

Топшириқлар ижроси



Бугун Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров “Намуна” маҳалласида бўлиб, 1-сектор ҳудудидаги маҳаллаларда фаолият олиб бораётган “бешлик билан учрашди. Унда туман ҳокими томонидан берилган топшириқлар ижроси муҳокама қилиниб, маҳалла ҳудудини “обод ва хавфсиз маҳалла” айлантириш борасида сўз юритилди.

Шунингдек, “бешлик” томонидан маҳалла ҳудудида олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари, ёшлар, аёллар билан ишлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, нотинч ва ажрим ёқасидаги оилаларни аниқлаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида муҳим топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.